

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кайд раками № 1.

Тасдиқлайман
Ўқув ишлари бўйича проректор
М.И.Даминов
« 29 » август 2020 й

ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳалари:	100 000	Гуманитар соҳа
Таълим соҳалари:	110 000	Педагогика
Таълим йўналишлари:	Барча таълим йўналишлари	

Бухоро 2020

Фаннинг ўқув дастури Бухоро Давлат Университети илмий кенгашининг 2020 йил “29 ” августдаги 1-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган.

Фаннинг ўқув дастури Бухоро Давлат Университети Табиий фанлар факультетининг 2020 йил 28 августдаги 1-сонли кенгашида тасдиқланган.

Фаннинг ўқув дастури Бухоро Давлат Университети Табиий фанлар факультети “Экология ва география кафедраси”да ишлаб чиқилган ва 2020 йил 27-августда кафедранинг 1-сонли йиғилишида муҳокама қилинган.

Тузувчилар:

Очилова Н.Р.– БухДУ “Экология ва география” кафедраси катта ўқитувчиси
Шарафутдинова.Р.И– БухДУ “Экология ва география” кафедраси ўқитувчиси
Муратова Г.С. – БухДУ“Экология ва география” кафедраси ўқитувчиси
Қаршиева Д.Р – БухДУ “Экология ва география” кафедраси ўқитувчиси

Такризчилар:

Холлиев А.Э.-БухДУ“Экология ва география”кафедраси профессори, б.ф.д
Мустафоева М.М. - БухДТИ “Тиббий биология” кафедраси доценти

1. Кириш

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳаёти ва соғлиғини инсон фаолиятининг барча соҳаларида муҳофазалашда „Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги“ (ҲФХ) фани асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини

амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини ва ҳудудларини табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулотда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”, “Таълим тўғрисида” ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1998 йил 7 октябрдаги 427 – сонли “Ўзбекистон Республикаси Аҳолисини фавқулотда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида”, 2011 йил 23 декабрдаги 558 – сонли “Ўзбекистон Республикаси Аҳолисини фавқулотда вазиятлардан уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида” ги қарорлари талабларига мувофиқ ҳамда Миллий хавфсизлик концепциясига амал қилган ҳолда ишлаб чиқилди.

Ушбу дастур фан тарихи, ривож ва истиқболи ҳамда Республикамиздаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижалари, ишлаб чиқариш ва ҳудудий хавфсизлик муаммоларининг инсон ҳаёти хавфсизлигига таъсири масалаларини қамрайди. Зеро ҳозирги вазиятда хавфсиз ҳаётни таъминлаш масалалари энг долзарб муаммолардан ҳисобланади. Чунки техносфераларда ишлаб чиқариш жараёни бузилиши, ишловчилар учун санитария ва гигиена меъёр ва қоидаларини яратилмаслиги, муҳит ривожланишдаги ноҳуш вазиятларнинг мураккаблашуви, давлатлар ўртасида инсоният ҳаётига хавф-хатар солувчи ҳолатларнинг рўй бериши, инсоният томонидан қўлланилаётган турли захарли ва зарарли моддалар ва воситалар кўплаб хавфларни юзага келтириб, инсонларнинг ҳаётий фаолиятига, соғлиғига, атроф-муҳит тозаллигига ва иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига таҳдид солмоқда. Шу сабабли ҳам мамлакатимизнинг энг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифалари қаторида аҳоли ҳаётининг хавфсизлигини таъминлаш масалалари долзарб ўрин олган. Айнан шу муаммоларнинг ечимини “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” фани ўрганади.

Дастурни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 март 1996 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси фавқулотда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони, адабиётлар рўйхатида келтирилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фавқулотда вазиятлар вазирлигининг

2008 йил 3 сентябрдаги 140-сон буйруғи билан тасдиқланган “Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракатланишга тайёрлашга оид йўриқнома”си, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 28 октябрдаги “Аҳолини Фавқулодда вазиятларда ҳаракатланишга тайёрлашга оид йўриқномани ўқув жараёнига татбиқ этиш тўғрисида”ги 318-сон буйруғи асос қилиб олинди.

1.1 Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Фан ўқитилишининг мақсади – Талабаларни Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тизими, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг талаблари, шунингдек, Фавқулодда вазиятлар ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари фармойишлари, кўрсатмалари, биринчи тиббий тез ёрдам кўрсатишга ўргатишни ташкил этиш йўллари ва услубиётлари билан таништиришдан иборат.

Бўлажак мутахассисларга ҳаётий фаолиятларида юзага келадиган хавфларнинг келиб чиқиш сабабларини, хусусиятларини, оқибатларини ва уларни йўқотиш қоидаларини, хавфсиз иш шароитларини яратиш, табиий, техноген, экологик ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятлардан аҳолини ҳимоя қилиш, уларни назарий ва амалий жиҳатдан ҳимояланишга ҳамда жароҳат олганларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш қоидаларини ўргатишдан иборат.

Ўқув фанини ўрганишнинг асосий вазифалари:- талабаларни турли фавқулодда вазиятларнинг умумий тавсифлари, қутилиши мумкин бўлган оқибатлари, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, талафотларини камайтириш ва фавқулодда вазият оқибатларини бартараф этиш тадбирлари билан таништириш;

--Олий Ўқув юрти томонидан олиб бориладиган тадбирларни ҳисобга олган ҳолда фуқаро муҳофазаси тизимини ўрганиш;

- талабаларда Ўзбекистон миллий хавфсизлигини таъминлаш соҳасида фуқаро муҳофазаси тадбирлари, вазифалари муҳимлигини, шунингдек фавқулодда вазиятларда ўзига ва ўзаро биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга масъулият билан ёндошишни тарбиялаш;

- талабаларга фавқулодда вазият хавфи туғилганда ва содир бўлганда маънавий – руҳий барқарорлик сифатларини сингдириш;

- талабаларга тинчлик ва ҳарбий даврларда содир бўладиган фавқулодда вазиятлар шароитида тўғри ҳаракат қилишни, Аҳолини муҳофаза қилиш усуллари, фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш чоғида

қидирув - қутқарув ишларини ташкил этиш ва ўтказиш асосларини, халқ хўжалиги объектлари (муассасалар) фаолиятининг барқарорлигини ошириш усулларини ўргатиш;

- ҳаётини фаолиятдаюзага келадиган хавфларни идентификациялаш ва уларни ўрганиш;

- ишлаб чиқариш жараёнида хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш;

- техносферада касб касалликларини камайтирадиган ва бахтсиз ҳодисаларни олдини оладиган чора-тадбирларни ўрганиш;

- аҳолини табиий офат, авария ва ҳалокатлардан ҳимояланиш усулларига ўргатиш;

- зарарланган шикастланиш ўчоқларидаги фуқароларни қутқариш ва тиклов ишларини ўтказиш;

-ёнғинга қарши хавфсизлик чораларини кўриш;

-жароҳат олганларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва бошқа муҳим вазифаларни бажара оладиган билим;

-кўникма ва касбий малакага эга инсонни тарбиялашга қаратилган.

1.2.Талабаларнинг фан бўйича, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

Юқоридаги вазифалардан келиб чиққан ҳолда “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга оширадиган масалалар доирасида бакалавр:

- билимларнинг бир бутун тизими билан ўзаро боғлиқликда ушбу фаннинг асосий муаммолари тўғрисида;

- ўз бўлажак касбининг моҳияти ва ижтимоий аҳамияти тўғрисида;

- хавф-хатарларни идентификациялаш;

- хавфсизликни таъминлаш тамойиллари, услублари ва воситаларини таҳлил қилиш;

- фаолиятнинг хавфсиз шароитларини лойиҳалаш;

-ишлаб чиқариш санитарияси ва меҳнат гигиенаси тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

- ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш соҳасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий талабларини;

- фаолият хавфсизлиги шароитларини яратишда мансабдор шахсларнинг вазифалари ва жавобгарликларини;

- ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касалликларини таҳлил қилиш услубларини;

- хавfli ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг юзага келишининг олдини олиш усулларини;
- ишлаб чиқаришда микроиклимнинг гигиеник меъёрларини ташкил этишни;
- ишлаб чиқариш тармоқларида хавфсиз иш шароитини ташкил этишни;
- электр қурилмалари, ускуналар, машина ва механизмларни ишлатганда, техник хизмат кўрсатганда ва таъмирлашда кўриладиган асосий техника хавфсизлиги талаблари;
- зарарсиз иш шароитини таъминловчи умумий ва шахсий ҳимоя қилиш воситалари;
- ёнғин чиқиш сабаблари, улар олдини олиш ва ўчиришнинг ташкилий ва техник воситалари;
- фавқулодда вазиятлар турлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатларини таҳлил қилиш услублари;
- фавқулодда вазиятларда инсонлар ва моддий бойликларни сақлаш ва қутқариш тамойиллари, услублари ва воситалари тўғрисида тушунчага эга бўлиши керак.
- фавқулодда вазиятларда инсонлар ва моддий бойликларни сақлаш ва қутқариш воситаларини ишлатиш бўйича кўникмага эга бўлиши керак.
- турли ҳолатларда жабрланганларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсата олиш;
- техника, электр ва ёнғин хавфсизлиги талаб ва меъёрларини тез ва катъийлик билан бажариш малакаларига эга бўлиши керак.

1.3 Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

Инсонларни техносферадаги фаолияти хавфсизлигининг асосларини ўрганиш аввало, тирик мавжудотларнинг ўзаро ва атроф-муҳит билан бири-бирига муносабати тўғрисидаги умумий билимларда ҲФХнинг ўрнини билишдан бошланади.

“Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” фанини ўқитиш талабаларнинг ўқув режасида режалаштирилган математик ва табиий ҳамда умумқасбий ва ихтисослик фанлардан олган билимларига таянган ҳолда олиб борилади.

1.4 Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанини ўрганиш нафақат техносферада хавфлар туғилганда, балки ишловчиларни касб касаллигига чалинишларини қисқартириш, бахтсиз ҳодисалар олдини олиш шунингдек, биосферада (атроф-муҳитда) юз берадиган фавқулодда вазиятларда инсонлар ўлими ва моддий зарарлар миқёсини камайтириш имконини беради.

1.5. Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Йўналишнинг ўзига хос хусусиятлари дастурни интерфаол усулларда ўзлаштиришни тақазо қилади. Бунда асосий эътибор аудитория машғулотларида ва мустақил тайёргарликда ўзлаштириладиган чуқурлаштириладиган назарий билимларга ҳамда объектив жараёнлар ва ҳодисаларга нисбатан дунёқарашни шакллантиришда маъруза машғулотларига катта ўрин ажратилади.

Дастур материалларини ўзлаштириш тўрт хил:

- муаммоли мавзулар бўйича;
- мустақил ўзлаштирилиши мураккаб бўлган бўлимлар бўйича;
- таълим олувчиларда алоҳида қизиқиш уйғотувчи бўлимлар бўйича;
- олдинга силжиган маърузаларни интерфаол усулда ўқитиш йўли билан;

-мустақил таълим олиш ва ишлаш, коллеквиумлар ва мунозаралар жараёнида ўзлаштириладиган билимлар бўйича машғулотлар ўтказиш йўли билан амалга оширишни назарда тутди.

Мустақил тайёргарлик жараёнида талаба адабиётлар, интернет материаллари ва меъёрий ҳужжатлар билан ишлашни уйдлашни намоён қилиши, аудитория машғулотлари пайтида қабул қилинган маълумотларни мушоҳада қилиш қобилиятини кўрсатиши зарур.

АСОСИЙ ҚИСМ

2.1 Назарий қисм (маъруза машғулотлари)

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг назарий асослари

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ҳақида тушунча. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг асосий тушунчалари ва терминлари. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги таркибий қисмлари ва уларнинг текшириш объектлари. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг назарий асослари. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг мақсади ва вазифалари.

Ҳаётӣ фаолият хавфсизлигининг қонуний-ҳуқуқий негизи ва бошқариш

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг ҳуқуқий асослари, мазмуни. Ишлаб чиқаришда фаолият хавфсизлигини таъминлаш бўйича қабул қилинган асосий қонунлар, стандартлар, низомлар, қоидалар ва меърий ҳужжатлар тизими.

Меҳнатни муҳофаза қилишнинг қонуний-ҳуқуқий асослари

Инсон меҳнат фаолиятининг физиологик-гигиеника сослари. Инсон меҳнат фаолиятига таъсир этувчи салбий омиллар, уларнинг турлари, моҳияти ва ҳимояланиш усуллари. Инсон меҳнат фаолиятининг турлари, физиологик таъсири. Меҳнат муҳофазаси қонунлари бузилганда жавобгарлик турлари.

Техносферик зоналардаги хавфлар ва улардан ҳимояланиш

Ишлаб чиқариш санитарияси ҳақида тушунча, техносферада ҳаво муҳитининг кўрсаткичлари, уларнинг меҳнат фаолиятига таъсири, ишлаб чиқариш микроклимининг гигиеник меъёрлари, уларнинг инсон организмга таъсири. Ишлаб чиқаришда мўтадил об-ҳаво шароитини яратиш.

Республикамиз ва жаҳон миқёсида ҲФХ ни таъминлашга оид олиб борилаётган тадбирлар

Фавқулодда вазиятларни олдини олиш бўйича халқаро тажрибаларни ўрганиш, Ўзбекистоннинг МДҲ давлатлар билан ҳамкорлиги. Табиат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларида экологик аспектлар.

Фавқулодда вазиятларда аҳоли ва ҳудудларни ҳимоялаш давлат тизими(ФВДТ). Фуқаро муҳофазасида ахлоқий ва психологик таёргарлик

Фуқаро муҳофазаси ҳақида тушунча. Фавқулодда вазият давлат тизимининг фаолият кўрсатиш тартиби, куч ва воситалари.

Фавқулодда вазиятлар ҳақида тушунча. Содир бўлиши мумкин бўлган zilзила оқибатларини ҳисобга олган ҳолда муҳофаза ишларини ўтказиш учун куч ва воситаларни мўлжаллаш

Фавқулодда вазиятлар классификацияси. Табиий экологик ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар ҳақида маълумот.

Аҳолини ва теварак -атрофни терроризмдан химоялаш

Терроризм тушунчаси ва уни юзага келтирувчи шарт-шароитлар. Терроризмга қарши курашиш қонуни. Республикамизда экстримизм ва терроризмга қарши олиб борилаётган чора-тадбирлар.

Тинчлик ва ҳарбий даврдаги фавқулодда вазиятлар.

Ядро қуроллари

Қирғин қурооллар ҳақида умумий тушунча. Кимёвий, биологик қуроолларнинг турлари, хусусиятлари ва олдини олиш чора-тадбирлари.

Фавқулодда вазият оқибатларини бартараф этишда қутқарув ва бошқа шошилиш ишларни ташкил этиш. Фуқароларнинг табиий газлардан захарланиши

Турли фавқулодда вазиятларда фуқароларни химоя қилиш воситалари, эвакуация қилиш чора тадбирлари, халқ хўжалиги тармоқларининг фавқулодда вазиятларда барқарорлигини таъминлаш.

Биринчи тиббий ёрдам кўрсатишнинг умумий тамойиллари

Юқори нафас йўллари тиклаш. Қайта жонлантириш

Ҳаёт фаолияти жараёнида фавқулодда терминал ҳолатларда биринчи ёрдам кўрсатиш қоидалари, юрак-ўпка реанимациясининг ўтказиш тартиби, юрак-ўпка реанимациясининг самарадорлиги, асоратлари, юқори нафас йўллари ўтказувчанлигини бузилиши, сабаблари, оқибатлари, нафас йўллари ўтказувчанлигини тиклаш.

Қон кетиш ва унинг турлари. Қон кетишда тез ёрдамни ташкил этиш

Қон кетиш турлари ва сабаблари, қон кетганда биринчи ёрдамни ташкил этиш чора-тадбирлари. Жароҳатланганда биринчи ёрдамни кўрсатиш чора-тадбирлари.

Юмшоқ тўқималарнинг шикастланишлари ва боғлов турлари

Юмшоқ тўқималарнинг шикастланиш турлари. Жароҳатлар ва уларнинг турлари. Юмшоқ тўқималарнинг жароҳатланишида биринчи ёрдамни кўрсатиш чора-тадбирлари.

Таянч-ҳаракат тизимининг механик шикастланишлари

Таянч-ҳаракат тизими ҳақида маълумот. Таянч-ҳаракат тизимининг шикастланиш сабаблари ва турлари. Суякларнинг чиқиши ва синиши биринчи ёрдамни кўрсатиш чора-тадбирлари.

Куйишлар ва чўкишлар

Куйиш тушунчаси ва унинг таснифи. Куйиш даражалари ҳамда куйиш майдонини аниқлаш усуллари. Куйишларда биринчи ёрдам. Куйиш шоки. Чўкиш турлари ва тез ёрдамни ташкил этиш.

Заҳарланишлар ва тез ёрдамни кўрсатиш

Заҳарланишлар ва уларнинг турлари. Заҳарларнинг инсон организмига таъсири. Дори воситаларидан заҳарланиш ва уларда биринчи ёрдам. Заҳарли ҳайвонлар тишлаши, ҳашаротлар чақиши ва уларни даволаш. Кимёвий бирикмалардан заҳарланиш ва уларда кўрсатиладиган шошилиш ёрдам. Овқат токсикоинфекциялари, кечиши ва уларда биринчи ёрдам.

Юқумли касалликлар ҳақида умумий маълумот. Ҳаво-томчи ва маиший контакт йўли билан юқувчи касалликлар ва уларни олдини олиш.

Юқумли касалликлар тушунчаси ва уларнинг таснифи. Ҳаво-томчи йўли билан юқувчи касалликлар ва уларни олдини олиш. Маиший контакт йўли билан юқувчи касалликлар ва уларни олдини олиш.

Ўта хавфли юқумли касалликлар ва уларни олдини олиш. Эпидемия ва пандемия ҳақида маълумот

Ўта хавфли юқумли касалликлар ҳақида маълумот. Ўта хавфли юқумли касалликларнинг клиник белгилари ва кечиши. Ўта хавфли юқумли касалликлар ўчоғида эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкил этиш. Эпидемия ва пандемия ҳақида маълумот.

Ёнғин хавфсизлиги ҳақида умумий маълумот

Ёнғин хавфсизлиги ҳақида умумий маълумот. Ёнғин даракчилари. Ёнғин содир бўлганда олдини олиш чора-тадбирлар.

Ёнғинга қарши техника, ёнғинни ўчириш усули ва воситалари

Ёнғинга қарши техника. Ёнғинни ўчириш усуллари, уларнинг турлари ва воситалари ҳақида маълумотлар.

2.2 Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар.

Ушбу ўқув фани бўйича талабаларни амалий машғулотларни маърузалар

матни ва тавсия этилган адабиётлар ҳамда даврий журналлар, интернет материаллари билан ишлашни, стандарт ва малака талабларига мос равишда бажаришни ўз ичига олади.

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Ҳаётини фаолият хавфсизлигининг назарий асослари.
2. Меҳнат фаолиятининг тенглиги ва оғирлигини баҳолаш.
3. Инсонни яшаш ва меҳнат фаолияти сфераларининг хавфли ва зарарли омилларидан ҳимоялаш.
4. Ҳаёт фаолият хавфсизлиги бўйича аҳолига дастурларни тузиб чиқиш ва ўргатишни баҳолаш
5. Радиацион вазиятни баҳолаш.
6. Кимёвий вазиятни баҳолаш.
7. Нафас йўллари ҳимояловчи индивидуал воситалар. Биноларда табиий газларнинг сизиб чиқиши ва фуқароларнинг табиий газлардан олдини олиш чора-тадбирлари.
8. Терини ҳимояловчи индивидуал воситалар.
9. Зарарланганларга ёрдам кўрсатиш учун ишлатиладиган тиббий муҳофаза воситалари.
10. Зарарсизлантириш турлари ва усуллари.
11. Тиббий эвакуация босқичларида жонлантириш.
12. Қон кетиши ва биринчи ёрдамни кўрсатиш усуллари.
13. Чўкишлар, совуқ уриши ва иссиқ уриши тез ёрдам.
14. Таянч-ҳаракат системаларнинг механик синиши.
15. Десмургия ва транспорт иммобилизацияси.
16. Ўтқир қон-томир етишмовчиликлари.
17. Ёнғин содир бўлган жойлардан чиқишда эвакуация йўллари мўлжаллаш.
18. Ёнғин-портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар.
19. Ёнғинга қарши техникалар, ўт ўчириш воситалари ва усуллари.
20. Электр токи билан жароҳатланиш.

Амалий машғулотлар мазмуни

Амалий машғулотларнинг тахминий тавсия этиладиган мавзулари:

ҲФХ фанининг асосий тушунчалари моҳияти; хавф турларини, уларни гуруҳлаш ва идентификациялаш; Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг комфорт шароитлари, *ишчи ўрнини эргономикасини ўрганиш*; Ишлаб чиқаришнинг зарарли ва заҳарли омилларини инсон организмига таъсирини ҳисоблаш. Ишлаб чиқаришдаги шовқин ва вибрацияни ҳисоблаш. Ишлаб чиқаришдаги

табий ва сунъий ёруғликни ҳисоблаш усуллари Механик жароҳатланишдан муҳофазаланиш ва муҳофазаловчи воситаларни аниқлаш.

Электр токининг инсон организмига физиологик таъсири. Электр хавфсизлиги воситаларини аниқлаш усуллари Ёнғинни ўчиришнинг асосий воситаларини ҳисоблаш усуллари. Касбий касалликларни ва ишлаб чиқаришдаги жароҳатларни текшириш, ҳисобга олиш ва аниқлаш усуллари.

3. Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни

ҲФХ фани бўйича талаба мустақил таълимни ташкил этишда талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- фаннинг айрим мавзуларини ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш, ўқув манбалари билан ишлаш;
- фандан амалий, семинар ва лаборатория машғулотларига тайёргарлик кўриб келиш;
- маълум мавзу бўйича реферат тайёрлаш;
- презентациялар тайёрлаш;
- кўргазмали воситалар тайёрлаш;
- мақола, тезислар тайёрлаш;

3.1. Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

1. ҲФХ муаммоларини ўрганишга катта ҳисса қўшган жаҳон ва ватанимиз олимлари. Уларнинг асосий илмий-амалий ишлари.
2. Хавфларни квантификациялашнинг сонли, балли ва бошқа услубларини таҳлил қилиш.
3. Хавфсизликни таъминлаш тамойиллари ва услубларини таҳлил қилиш.
4. Фаолиятнинг турли босқичларида хавфсизлик шартларини таҳлил қилиш.
5. Фаолият хавфсизлигини таъминлашнинг эргономик кўрсаткичларини таҳлил қилиш.
6. Иш ўрнини ташкиллаштиришнинг талаблари.
7. Инсон антропометрик кўрсаткичларининг фаолият хавфсизлигига таъсири.
8. Фаолият хавфсизлигини таъминлашда психологик омилларнинг аҳамияти.
9. Ўзбекистон Республикасида ҳаёт фаолият хавфсизлигини таъминлаш соҳасида қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатлар тизими.

10. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фани бўйича глоссарий тузиш.
11. Инсоннинг физиологик ва психологик тавсифларининг хавфсизликни таъминлашдаги аҳамияти.
12. Одам анатомиясининг (антропометрик параметр-ларининг) хавфсизликни таъминлашдаги аҳамияти.
13. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашга оид халқаро тажриба ва изланишлар тахлили.
14. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашга оид чет давлатларда қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар тахлили.
15. Шовқин ва титрашдан ҳимояланиш техник воситаларининг гуруҳланиши ва тузилиши.
16. Машина ва механизмлар учун техника хавфсизлиги талаблари келтириладиган меъёрий ҳужжатлар тизими.
17. Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати.
18. Республика бўйича ёнғинлар содир бўлиши ва уларда кўриладиган зарарлар тўғрисида статик маълумотлар тахлили.
19. Ёнғиндан ҳимояланишнинг замонавий техник воситалари.
20. Халқаро терроризм ва террористик ташкилотлар.
21. Ўзбекистонда бўлиши мумкин бўлган техноген хавфлар.
22. Марказий Осиёда бўлиши мумкин бўлган табиий хавфлар.
23. “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун бандларини ўрганиш. Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими(ФВДТ)нинг структуравий тузилишини ўрганиш.
25. бандларини ўрганиш.
26. “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонун бандларини ўрганиш.
27. “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида” ги қонун бандларини ўрганиш.
28. “Чиқиндилар тўғрисида” ги қонун бандларини ўрганиш.
29. Фавқулодда вазиятларда хавфсизликни таъминлаш бўйича қабул қилинган давлат стандартлари тизимини ўрганиш.
30. “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида” ги қонун бандларини ўрганиш.
31. “Санитария назорати тўғрисида”ги қонун бандларини ўрганиш.
“Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги қонун бандларини

4. Дастурнинг ахборот-услубий таъминоти

4.1 Фойдаланилган асосий адабиётлар рўйхати

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси.
2. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонуни.
–Т. Ўзбекистон, 1997й.
3. Мирзиёев Ш. М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент. Ўзбекистон. 2017й.
4. Мирзиёев Ш. М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Тошкент. Ўзбекистон. 2017й.
5. Мирзиёев. Ш. М.. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент. Ўзбекистон. 2017й
6. O.R.Yuldashev, Sh.G.Djabborova, O.T.Hasanova. Hayot faoliyati xavfsizligi. – Т.: Darslik “Toshkent-Iqtisodiyot”, 2014.– 268 b.
7. Yormatov G‘.YO. va boshqalar. Hayot faoliyati xavfsizligi. –Т.: “Aloqachi”, 2009 . – 348 b.
8. Ёрматов Ғ. Ё. ва бошқалар. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. - Т.: ТошДТУ. 2005.
9. Ў. Йўлдошев ва бошқалар. Меҳнатни муҳофаза қилиш. Ўқув қўлланма -Т.: Меҳнат, 2005.
10. Nigmatov I., Tojiev M. X. "Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi" Darslik.-Т.: Iqtisod-Moliya. 2011. -260 b.
11. Tojiev M. X., Nigmatov I., Ilxomov M. X. Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi. O'quv qo'llanma. –Т.: “Iqtisod-moliya”, 2005. -195 b.
12. G‘oyipov H.E. Hayot faoliyati xavfsizligi. –Т.: “Yangi asr avlodi”, 2007 yil. – 264 b.
13. Qudratov A. va b. "Hayotiy faoliyat xavfsizligi". Ma'ruza kursi. -Т.: “Aloqachi”, 2005. -355 b.
14. Безопасность жизнедеятельности. /Под.ред. Михайлова Л.А. Киев – Харьков – Минск, 2007. 301 с.
15. Микрюков В.Ю. Безопасность жизнедеятельности. Уч.пособие.- М.: Ростов – Дон. 2006.
16. Тожиев М.Х., Нигматов И ва б. Фавқулудда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси. Ўқув қўлланма.–Т.: МЧЖ., Таълим манбаи, 2002,-224 б.
17. Юнусов М.Ю., Икромов Э.Ж. Фуқаро муҳофазаси - доимий зарурат. –Т.: 2002.
18. Белов С. В. и др. Безопасность жизнедеятельности,-М.: Высшая школа, 1999.
19. Расулева М.А., Юлдошев О.Р. Видеотерминаллардаги хавфсизлик муаммолари. Ўқув қўлланма -Т.: ТошДТУ, 2004.

20.Петросова Л.И., Расулева М.А., Расулев А.Х. Безопасность жизнедеятельности. Учебно-методическое пособие.-Т.: ТГТУ, 2012.

21.Очилова.Н.Р,Шарофутдинова.Р.И,Муратова.Г.С “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги”Ўқув қўлланма-Т2019

4.2 Қўшимча адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: "Ўзбекистон", 2008.

Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунининг янги таҳрири Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. –Т.: 2012 , 1-сон.

3.Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низом. Вазирлар Маҳкамасининг қарори № 286, 06.06.1997, –Т.: 1997.

4.“Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 , 37-38-сон.

5.“Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, – Т.: 2009, 16-сон.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. –Т.: 2000 й., 5-6-сон.

6.“Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т.: 2006 , 39-сон.

7.“Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, 2009.

8.“Чиқиндилар тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, –Т.: 2007, 50-51-сон.

9.“Санитария назорати тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т.: 2006, 41-сон.

10.“Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т.: 2007, 40-сон.

11.“Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. –Т.: 2004, 25-сон.

3.3. Электрон ресурслар.

1	www.bilim.uz .	ОЎМТВ сайти
2	www.ziyo.edu.uz	ОЎМТВ сайти
3	www.ziyo.net.uz	ОЎМТВ сайти
4	www.mintrud.uz	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги сайти.
5	www.minzdrav.uz	Соғлиқни сақлаш вазирлиги сайти.
6	www.mchs.gov.uz	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги сайти.
7	www.uznature.uz	Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси сайти.
8	www.standart.uz	Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги сайти.
9	www.sanoatktn.uz	Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси (Саноатконтехназорат) сайти.
10	LexUz	Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилик базаси.
11	http://www.znakcom-plect.ru	Охрана труда и техника безопасности.
12	www.ohranatruda.ru	Охрана труда, техника безопасности и пожарной безопасности.

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ЭКОЛОГИЯ ВА ГЕОГРАФИЯ
КАФЕДРАСИНИНГ «ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ»
ФАНИДАН ТУЗИЛГАН ФАН ДАСТУРИГА

ТА Қ Р И З

Республикамизда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши билан таълим тизими ислоҳ қилина бошланди. Таълимни ислоҳ қилишнинг иккинчи босқичида замон талабларига мос ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш кўзда тутилган.

Ушбу фан дастурида ўқув режасига асосан ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг асосий тушунчалари келтирилган бўлиб, унда ҳаёт фаолият хавфсизлигининг назарий асослари, ҳаётнинг фаолият хавфсизлигининг қонуний- ҳуқуқий негизи ва бошқариш, меҳнатни муҳофаза қилишнинг қонуний- ҳуқуқий асослари, техносферик зоналардаги хавфлар ва улардан ҳимояланиш, Республикамиз ва жаҳон миқёсида ҳфхни таъминлашга оид олиб борилаётган тадбирлар, фавқулодда вазиятларни олдини олиш бўйича халқаро тажриба, фавқулодда вазиятларда (ФВ) аҳоли ва ҳудудларни ҳимоялаш давлат тизими фуқаро муҳофазасида ахлоқий ва психологик тайёргарлик, фавқулодда вазиятлар ҳақида тушунча, содир бўлиши мумкин бўлган зилзила оқибатларини ҳисобга олган ҳолда муҳофаза ишларини ўтказиш учун куч ва воситаларини мўлжаллаш, аҳолини ва теъарвак - атрофни терроризмдан ҳимоялаш, тинчлик ва ҳарбий даврдаги фавқулодда вазиятлар, ядро қуроллари, фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда қутқарув ва бошқа шошиланиш ишларни ташкил этиш биноларда табиий газларнинг сизиб чиқишини ва фуқароларнинг газлардан захарланишини олдини олиш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатишнинг умумий тамойиллари. юқори нафас йўллари тиклаш, қайта жонлантириш, қон кетиш ва унинг турлари, қон кетишларда тез ёрдамни ташкил этиш, юмшоқ тўқималарнинг шикастланишлари ва боғлов турлари, жароҳатлар тўғрисида тушунча, таянч - ҳаракат тизимининг механик шикастланишлари, куйишлар, чўкишлар, захарланишлар, тез ёрдам, юқумли касалликлар ҳақида умумий маълумот, ҳаво-томчи ва маиший контакт йўли билан юқувчи касалликлар ва уларни олдини олиш, ўта хавфли юқумли касалликлар ва уларни олдини олиш, ёнгин хавфсизлиги, ёнгинга қарши техника, ёнгинларни ўчириш усуллари ва воситалари каби мавзулар дастурда ўз аксини топган.

Ушбу тузилган фан дастури ўқув режага мос келади ва фойдаланишга тавсия этаман.

Тақризчи:

**Бухоро Давлат Университети
Экология ва география
кафедраси профессори., б.ф.д.**



А.Э.Холлиев

